




**Course: Islamic Finance**

**Lecture 11: Socially Oriented Financial  
Products**

**Lecturer: Dr. Shaamirova Surayyo**



# ΒΑΚΦ (waqf)



# Вақф

- «**Вақф**» сўзи луғатда «тўхтатиш», «тутиб қолиш» маъносини англатади.
- «**Вақф** — бу бирор объектни Аллоҳнинг мулки бўлиши узра (олди-берди муомаласидан) тўсиб қўйиш ва ундан ҳосил бўладиган манфаатни эса муайян қатламга ёки барча эҳтиёжмандларга ёхуд омма мусулмонлар учун садақаи жория қилиб қилиб қўйишдир».
- Шариатда эса молнинг аслини ушлаб туриб, фойдасини Аллоҳга қурбат (яқинлик) ҳосил қилиш учун сарфлашга айтилади.
- Вақф қилинган нарсадан келадиган фойда вақф қилувчи белгилаган/кўрсатган шаръий мақсад учун сарф қилинади ва савоби вақф қилувчига бўлади.
- Вақф қилинган нарса **сотилмайди, ҳадя қилинмайди, мерос қолдирилмайди.**

# Вақф

- **Вақф** – садақа эмас, садақа бир нарсани инфоқ қилиш билан содир бўлади.
  - **Вақф** – ўша нарсани айнини ушлаб турган ҳолда, фойдасини энг гўзал суратда сарфлаб боришдир.
  - Бунинг савоби вақф қилувчининг ўлиmidан кейин ҳам унга етиб туради.
  - **Вақф** — мусулмон мамлакатларида давлат ёки айрим шахслар томонидан диний эҳтиёж ёки хайрия ишлари учун ажратилган мол-мулкдир
  - Қуйидаги ояти карима вақфнинг шариатда жорий қилинишига далолат қилади: **“Эй, имон келтирганлар! Касб қилган нарсаларингиздан ва Биз сизларга ердан чиқариб берган нарсаларимиздан садақа (эҳсон) қилинглр!”** (*“Бақара” сураси, 267-оят*).
-

1) Пайғамбарлик (нубувват) даври;

2) саҳобалар даври;

3) тобиъинлар ва табаъа тобиъинлар даври;

4) олтин давр (IX-XIV аср);

5) таназулга юз тута бошлаган давр (XV-XVI аср) ;

6) вақфларнинг кескин камайиши ёхуд тугатилиши даври (XVII-XIX аср);

7) вақф институтининг қайтадан жонланиш даври (XX-XXI аср).

## **Вақф институтининг шаклланиш ва ривожланиш босқичи**

# Вақф саҳиҳ бўлиши учун:

1. Вақф қилаётган киши балоғатга етган, оқил инсон (ақли-ҳуши жойида) бўлиши лозим;

2. Вақф қилинаётган нарса асли сақланиб қолган ҳолда, давомли фойда олиб туриладиган нарса бўлиши керак;


3. Вақф қилинаётган нарса тайин (аниқ) бўлиши лозим.

4. Вақф яхшилик ишлари учун бўлиши шарт..

# Вақф

- Вақф тизимининг инсон ва жамият тараққиётини таъминлашдаги ўрнига қуйидагиларни мисол қилиб келтириш мумкин:
  - i. Вақф ҳам закот каби бойликлар тақсимоли ва уларнинг самарадорлиги ошишига хизмат қилади;
  - ii. Соғлиқни сақлаш, инфратузилма, таълим тизими ривожига киритилган вақф кўринишидаги беминнат сармоялар, давлат бюджетининг ижтимоий ҳимояга ажратилаётган қисмининг муайян даражада ўрнини қоплайди ва шу орқали давлат харажатларининг бир қисмини ўзига олади;
  - iii. Мамлакат инфратузилмасининг яхшиланиши иқтисодиёт ўсиш суръатларининг тезлашишига ва барқарор иқтисодиётга эришишга ёрдам беради;
  - iv. Мамлакат фуқароларининг давлат ва юртнинг бадавлат кишиларидан розилиги сабаб жамият аъзолари ўртасидаги ўзаро муносабатлар ва умумий муҳит яхшиланади;
  - v. Вақфнинг соғлиқни сақлаш ва таълим соҳаси ривожига қўшган ҳиссаси мамлакат фуқаролари учун имкон қадар тенг имкониятлар яратишга ёрдам беради, тенг имкониятлар эса ижтимоий адолатни таъминлашга хизмат қилади.


# Вақф турлари





XAYRIYA JAMOAT FONDI

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 апрелдаги «Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги RF-5416-сон Фармони бўйича «Вақф» хайрия жамоат фонди ташкил этилди.





**ZAKAT**

Закот

ПОКЛИК

ЎСИШ



# Закот

- **Закот** – диннинг устунларидан биридир.
- Закот – мусулмонлар томонидан бутун жамият манфаатлари йўлида бажариладиган бурчдир.
- Шариатга мувофиқ вояга етган, эркин ва моли нисобга етган барча мусулмонлар закот тўлашлари лозим.
- Нисоб миқдори 85 грамм олтинга (закотга тортиладиган энг қуйи миқдор) тенг.
- Ислом фикҳи бўйича айрим мутахассислар мусулмон давлатининг солиқ тизими закот билан уйғунлашиб кетади деб ҳисоблайдилар.

**Турк  
тадқиқотчиси С.  
Заъим закот ва  
солиқ  
ўртасидаги 5 та  
фарқни  
ажратиб берган.**

- Қуйида улардан айримлари келтириб ўтилади:
  - i. закот – молиявий атамаларда ифодаланган диний мажбурият ва итоат ҳужжатидир. Солиқ эса – бу иқтисодий ва молиявий мажбурият ҳисобланади;
  - ii. закот фақат мусулмонлардан, солиқ эса барча фуқаролардан ундирилади;
  - iii. тўланмаган солиқ кечиб юборилиши мумкин, тўланмаган закот эса кечилмайди;
  - iv. тўлаш усули ва ставкалари каби солиққа татбиқ этилган тушунчаларни закотга татбиқ этиб бўлмайди ва у ўзгаришсиз қолади;
  - v. закот тўловчи мана шу солиқдан келиб тушган маблағларга талабгор бўла олмайди. Солиқ билан бўлган ҳолатда эса, солиқ тўловчи ўзи тўлаган солиқдан олиши мумкин ва бошқалар

# Закот

- Закот пул маблағлари ҳамда натура шаклида ундирилиши мумкин.
- Қуйида санаб ўтилган мулклар бўйича закот тўлаш мажбурий ҳисобланади:
  - а) ҳар бир 85 грамм тиллодан ёки шу миқдордаги олтинга эквивалент бўлган пул миқдори ҳамда пул бирликларидан;***
  - б) даромад олиш ва савдо предмети ҳисобланган товарлардан.***
- Йил якуни билан ҳар бир мусулмон ўзида мавжуд товарларни баҳолаши лозим, агар уларнинг умумий қиймати нисобга етган ёки ундан ортган бўлса, у ҳолда у товарлар қийматининг (чакана баҳоси бўйича соф фойдани ҳам қўшган ҳолда) 2,5% и миқдорида пул билан тўловни амалга ошириши лозим.

# Нақд пуллардан закот бериш шартлари:

## 1. Нисобга етган бўлиши керак.

- Масалан, 2026 йил бизнинг мамлакатимизда нисоб миқдори **100 000 000 сўм** этиб белгиланди. Демак, кимнинг тасарруфида камида мана шунча маблағ бўлса, унинг қирқдан бир қисми – 2,5 %ини закот сифатида бериши лозим бўлади. Бироқ кейинги шартларга ҳам жавоб бериши лозим.

## 2. Пул нисобга еганига бир йил тўлиши керак.

- Масалан, бир инсон ҳозир нисоб миқдоридаги маблағга эга бўлди, сўнг бир йил давомида пули камайиб, кўпайиб турди, лекин йил охирига келиб маблағи нисоб миқдоридан тушиб кетмади. Бу инсон йил якунида закот бериши лозим бўлади.

## 3. Қарздан ҳоли бўлиши керак.

- Яъни қўлидаги маблағи нисобга етган инсоннинг келгуси бир йил ичида тўлаши лозим бўлган қарзлари закот ҳисобланаётган миқдордан айриб ташланади. Узоқ муддатли қарзларнинг бир йилдан ортиқ қисми чегирилмайди (яъни қарзининг шу бу йил тўлайдиган қисми ҳисобга олинади, холос). Агар шу йилги қарзини берганидан кейин пули нисобдан кам бўлиб қолса, бу инсонга закот фарз бўлмайди.

## 4. Ҳожати аслиядан ортиқ бўлиши керак.

---

# Чорва моллари закотининг шартлари:

## 1. Яйловда ўтлайдиган бўлиши.

- Яйловда ўтлайдиган бўлиши, яъни йилнинг кўп қисмида оммавий яйловда ўтлаб, семириб, болалаб юриши. Йилнинг баъзи вақтида қўлдан ем еса ҳам бўлаверади.
- Йилнинг кўп қисмида қўлда боқилган ҳайвонлардан закот берилмайди. Чунки уларни боқишга шахсий меҳнат ва сарф-харажат кўп кетган бўлади.

## 2. Ишчи ҳайвон бўлмаслиги.

- Чорва ҳайвонларининг ишчисидан, яъни аравага қўшиладиган, юк ташишга ишлатиладиган, миниладиган, сув чиқаришда ёки шунга ўхшаш ишларда фойдаланиб туриладиганидан закот олинмайди, чунки бундай ҳайвонлар ҳожати аслия ва иш воситаси ҳисобланади, ўсувчи мол эмас.
- Қолаверса, уларни ишга солиб топилган нарсалардан закот чиқарилади. Ана ўша закот йўлида хизмат қилганлари учун ҳам уларнинг ўзларидан закот олинмайди.

<b>Қўйнинг сони</b>	<b>Закот берилиши лозим бўлган миқдор</b>
1 – 39	Закот берилмайди
40 – 119	1 та қўй
120 – 200	2 та қўй
201 – 399	3 та қўй
400 – 499	4 та қўй
500 – 599	5 та қўй
600 – 699	6 та қўй
Ва ҳоказо, ҳар 100 тага	1 та қўй қўшилиб бораверади

## Қўй учун закот

**Изоҳ:** Эчкилар ҳам қўйлар сонига қўшиб ҳисобланади.

# Қорамол учун закот жадвали

## Қорамолнинг сони

1 – 29

30 – 39

40 – 59

60 – 69

70 – 79

80 – 89

90 – 99

100 – 109

## Закот берилиши лозим бўлган миқдор

Закот берилмайди

Бир ёшли эркак ёки урғочи бузоқ

Икки ёшли урғочи бузоқ

2 та бир ёшли эркак ёки урғочи бузоқ

1 та икки ёшли урғочи ва 1 та бир ёшли эркак  
бузоқ

2 та икки ёшли урғочи бузоқ

3 та бир ёшли урғочи бузоқ

2 та бир ёшли ва 1 та икки ёшли бузоқ

# Закот

- Ушр калимаси арабча сўз бўлиб, ўндан бир деган маънони билдиради.
- Ушр деҳқончилик ва боғдорчилик маҳсулотларининг закоти. Яъни ҳосил йиғилган пайтда унинг ўндан бирини ёки ўндан бирнинг ярмини Аллоҳ учун шариат кўрсатган тарзда адо этиш фарз бўлади.
- ***“Экин мева берганда ундан енгиз ва йиғим-терим пайтида экиннинг ҳаққини беринг”.*** (Анъом, 141).
- Расулulloҳ савс. дедилар: ***“Дарёлар ва булутлар суғорган ҳосилдан ушр берилади, туя билан суғорилган ҳосилдан ушрнинг ярми берилади”.*** (Муслим ривояти).
- Демак, агар ҳосил ёмғир, сел, дарё, чашма, кўл сувлари каби ўзи оқиб келадиган сувлар билан суғориладиган бўлса ўндан бир, агар сувни ташиб келиб ёки сотиб олиб, меҳнат билан суғориладиган бўлса, ўндан бирнинг ярми, яъни ҳосилнинг йигирмадан бири миқдорда закот берилади.
- ***Ушрнинг одатдаги закотдан фарқи шуки, бу ерда йил ўтиши шарт қилинмайди.*** Балки ҳосил йиғилган куни ушр чиқариш вожиб бўлади.
- Агар ер бир йилда бир неча марта ҳосил берса, шунча марта ушр берилади.

# Закот

- Саудия Арабистонида закот давлат солиғи сифатида 1950 йилда, имон келтирганларга ўзларининг асосий диний мажбуриятларидан бирини бажаришга кўмак бериш ҳамда закот маблағларини самарали тақсимлаш тизимини ташкил этиш мақсадида ўрнатилган.
- Дастлаб солиқ ставкаси 2,5% ни ташкил этди, лекин кейинги йил уни 1,25% га пасайтирилди.
- Орадаги фарқ (1,25%) ни солиқ тўловчи ўз хоҳишига кўра, унга эҳтиёжманд деб ҳисоблаган кишига бериши мумкин эди.
- Шундай қилиб, закот сифатида тўланадиган миқдорнинг ярми кўнгилли хайрия – садақага айланиб қолди.
- Лекин 1963 йилда аввалги 2,5% лик солиқ ставкасига қайтишга тўғри келди.

# Закот

- **Покистонда** закот ва ушрни мажбурий давлат солиғи сифатида амалга киритиш президент **Зиё ул-Ҳақ томонидан** амалга оширилган исломийлаштириш сиёсати билан боғлиқ.
- 1980 йилда закот масаласига тааллуқли бўлган Ордонанс кучга кирди.
- Ушрга тегишли қоида эса 1983 йилнинг 15 мартига қадар тўхтатиб қўйилди.
- Покистонда закотдан ташқари исломий солиқ сифатида ушр ҳам жорий этилди.

# Закот

- Закот, иқтисодий рағбатлантирувчи, жуда кучли ижтимоий таъсирга эга молиявий восита бўлиб инсон тараққиёти жамғармаси сифатида катта аҳамиятга эгадир.
- Закот фавқулодда вазиятларда ва эҳтиёж энг юқори бўлган (зарур) вақтда берилса (қўлланилса), унинг таъсири жуда катта бўлади.
- Йилнинг учинчи ёки тўртинчи чорагида закот тўлаши керак бўлган ҳар бир киши, COVID-19 коронавирус тарқалган фавқулодда ҳолатда ўз закотини олдиндан бериб, дунёни қийинчиликлар таъсиридан тезроқ чиқишига ўз ҳиссасини қўшиши мумкин.
- ***Албатта бунда закот тўловчи, закот тўғри тўланганлигига ишонч ҳосил қилиш учун закот тўлаш муддати келганда яна бир бор ҳисоб китоб қилиб чиқиши муҳимдир.***

# ЗАКОТ ҚУЙИДАГИЛАР ГА БЕРИЛАДИ:

- Фақирларга, яъни моли нисобга етмаганларга.
- Мискинларга, яъни ҳеч нарсасиз йўқсилларга.
- Қарздорларга, яъни молидан қарзи кўпларга.
- Йўлда қолган мусофирларга, мамлакатларига етиб олгудек миқдорда закот берилади.
- Аллоҳ йўлидагиларга, яъни ҳаж йўлида, илм талабида юрганларга.
- Омилларга, яъни закот йиғувчи ва уларни ҳақдорларга тарқатувчиларга.
- Озод бўлиш учун хожаси билан шартнома тузган қулларга (бирок бугунги кунда қуллик йўқолиб кетган).
- Муаллафатул-қулубга, яъни кўнгли Исломга мойил бўлиб турган, Исломга киришидан ёки Исломда собит бўлишидан умид қилинаётганлар, шунингдек, Исломга ёмонлигини тўсиш, Ислом йўлида хизмат қилдириб, мусулмонларга ёрдам бериш кутилаётганлар тушунилади.

## Закотни қуйидагиларга берилмайди:

- Жамият фаровонлигига хизмат қиладиган лойиҳаларга;
- Шифохоналарга;
- Мактаб-мадрасаларга;
- Масжид қурилишига;
- Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг аҳли байтларига;
- Бой кишига;
- Хотин эрига ёки эр хотинига;
- Киши ўз ота-онасига/ бобо-бувисига ва улардан юқоридагиларга;
- Киши ўз фарзандларига ёки набира-абираларига;
- Ғайримуслимга;
- Қўл остидаги ходимларга иш ҳақи сифатида;
- Маҳбусларга бериб бўлмайди. Лекин ҳибсдаги инсоннинг оила аъзолари закот олишга лойиқ бўлишса, уларга бериш мумкин.

# ФИТР САДАҚАСИ

---

- Фитр садақаси:
  - Рамазон ойидан кейин фитр ҳайити кунда бериладиган садақадир.
- Фитр садақаси бериш қандай кишиларга вожиб?
  - Шариатда бой деб ҳисоб қилинадиган кишиларга вожиб бўлади.
- Қанча моли бўлган кишилар шариатда бой ҳисобланади?
  - Ўз ҳожатидан ортиқ кумуш нисоб миқдорича моли бўлган киши бой ҳисоб қилинади.
- Шунча моли бўлган киши садақа олса бўладими?
  - Дуруст бўлмайди, ҳаромдир. Ундай кишига берилган закот, ушр, фитр садақаси, фидя ва бошқа садақалар ҳеч қайси садақадан ҳисоб қилинмайди.
- Фақир кишиларга ҳам фитр садақаси бериш вожиб, дейиш дурустми?
- Дуруст эмас. Садақа бериш вожиб, деган киши зўр гуноҳкор бўлади. Гўё шариатга хиёнат қилган ҳисобланади.

# Фитр садақасининг миқдори

- 2026 yil uchun Fitr sadaqasi quyidagi mahsulotlar asosida belgilanadi:
- 2 kg bug'doy uni — 10 000 so'm
- 4 kg arpa — 16 000 so'm
- 2 kg mayiz — 110 000 so'm
- 4 kg xurmo — 180 000 so'm

# Фойдаланилган адабиётлар

- Chapra, M. U. *Islam and the Economic Challenge*. Leicester: The Islamic Foundation, 1992.
- Kahf, M. *The Role of Waqf in Improving the Ummah Welfare*. Jeddah: Islamic Research and Training Institute (IRTI), Islamic Development Bank, 1998.
- Cizakca, M. *A History of Philanthropic Foundations: The Islamic World from the Seventh Century to the Present*. Istanbul: Bogazici University Press, 2000.
- Za'im, S. *Modern Islamic Economics and Zakah System*. Istanbul University Publications.
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 апрелдаги ПФ–5416-сонли “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Фармони.

**Эътиборингиз учун раҳмат!**

